

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К.Ф. Камилев

13.07.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган

ИШ РЕЖАСИ

| т/р | Тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---------------------------|---|---------|--|
| 1.Умумий масалалар | | | |
| 1.1 | Республика судларининг ҳамда Олий суднинг 2022 йил иккинчи ярмининг иш фаолияти яқунларини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш. | Июль | Р.Махмудова, Ҳ.Турахужаев, И.Муслимов, Б.Исаков, Ж.Юлдашев, Ташкилий-назорат бошқармаси |
| 1.2 | Республика иқтисодий судлари томонидан 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриш ҳамда шартномалар шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётини умумлаштириш ва натижаси бўйича иқтисодий судларга тавсиялар бериш. | Июль | Б.Исаков, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати |

| | | | |
|-----|--|----------------------------|--|
| 1.3 | Республика, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг 2022 йил биринчи яримида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказиш. | Июль август | Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси |
| 1.4 | Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан ушбу қонунни маъмурий суд судьялари билан биргаликда чуқур ўрганиш. | Август | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |
| 1.5 | Умумий юрисдикция ва маъмурий судларнинг девонхона мудирларини кадрлар иш юритуви бўйича малакасини ошириш ҳамда кадрлар иш юритувига масъул ходимлари фаолиятини амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиш. | Алоҳода режа асосида | Кадрлар бошқармаси |
| 1.6 | Республика судларида, суд аппарати ходимларига оид бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни Олий суднинг веб-сайтига жойлаштириб бориш. | Доимий | Кадрлар бошқармаси |
| 1.7 | Олий суд раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бевосита идорада шахсий, видеоконференцалоқа ва сайёр қабул қилиш ташкиллаштириш. | Алоҳода режа асосида | Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси |
| 1.8 | Судлар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларининг ҳолати юзасидан статистик ҳисоботлари олиниб, жамланган ҳолда Олий суд Раҳбариятига ахборот киритиб бориш. | ҳар чорак якуни | Ташкилий-назорат бошқармаси |
| 1.9 | 2022 йил учун ражалаштирилган манзилли “Дастур” асосида объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг бажарилишини ҳамда ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва | Ҳар чорак якуни | Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти |

| | | | |
|------|---|----------------------|---|
| | мақсадли ўзлаштирилишини мониторинг қилиш натижаси юзасидан Олий суд раисига ахборот бериш. | | |
| 1.10 | Судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича давлат божларини тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида ўтказилиши, давлат божини ундириш ҳақидаги суд ҳужжатларини ўз вақтида ижрога қаратилиши юзасидан Солиқ идоралари билан ўтказилган ўрганишлар юзасидан маълумотларни Олий суд Раҳбариятига киритиб бориш. | ҳар олти ой | Ташкилий-назорат бошқармаси |
| 1.11 | Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунни қўллаш борасида услубий қўлланма тайёрлаш. | Декабрь | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |
| 1.12 | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш. | Алоҳида режа асосида | Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси |
| 1.13 | Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан ушбу қонунни тўғри қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Давлат Бошқарув академияси ва ТДЮУ олимлари билан ҳамкорликда барча ижро ва маъмурий органлар ходимларига ўқув машғулотлар ташкил этиш. | Алоҳида режа асосида | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |
| 1.14 | Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро маъмурий судлар судьяларининг иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлар ўтказиш. | Алоҳида режа асосида | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |
| 1.15 | Маъмурий судлар судьяларининг Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида малакасини ошириш. | Алоҳида режа асосида | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |

| | | | |
|---|---|----------------------|---|
| 1.16 | Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | Алоҳида режа асосида | Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси |
| 2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар | | | |
| 2.1 | Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар Олий суди раисларининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси бошчилигидаги делегациянинг иштирокини таъминлаш. | Август | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| 2.2 | Корея Республикаси Олий суди билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясини Корея Республикасига ташрифини амалга ошириш. | Сентябрь октябрь | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| 2.3 | Хорижий ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган конференция, семинар, тренинг ва давра суҳбатлар ўтказиш. | Октябрь Декабрь | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| 3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар | | | |
| 3.1 | Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил ва 2022 йилнинг 1-ярми давомида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтариш амалиётини умумлаштириб, натижаларини Раёсат муҳокамасига киритиш. | Сентябрь | И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти |
| 3.2 | Маъмурий судлар томонидан 2022 йил давомида кўрилган маҳалла фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайлови билан боғлиқ ишларни умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш | Сентябрь | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати |

| | | | |
|-----|---|----------------------------|---|
| 3.3 | Фарзандликка олиш билан боғлиқ фуқаролик ишларини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш. | Сентябрь | Х.Турахужаев Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти |
| 3.4 | Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти, умулаштириб Раёсат муҳокамасига киритиш. | Октябрь | Б.Исаков Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти |
| 3.5 | Яшаганлик фактини белгилаш билан боғлиқ фуқаролик ишларини умумлаштириб, Раёсат муҳокамасига киритиш. | Октябрь | Х.Турахужаев Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти |
| 3.6 | Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил ва 2022 йилнинг 1-яримида кўрилган кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи (ЖК 186 ³ ва 251 ¹ -моддалари) билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижаларини Раёсат муҳокамасига киритиш. | Ноябрь | И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти |
| 3.7 | Қуйи судларни иқтисослашувига асосан 2020-2021 йилларда одил судловни таъминлаш борасида амалга оширган ишлари ва ташкилий фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб, натижаларини заруратга қараб Раёсат муҳокамасига киритиш. | Алоҳида режа асосида | Р.Махмудова, Х.Турахужаев, И.Муслим ов, Б.Исаков, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати. |

4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар

| | | | |
|-----|---|----------------|---|
| 4.1 | “Маъмурий судлар томонидан солиқ органлари қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатларини низолашишга оид ишларни кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш. | Июль декабрь | Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти |
| 4.2 | “Судлар томонидан эр-хотиннинг умумий мулк деб топиш, мулкни бўлиш ҳақидаги ишларни кўриш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш. | Июль - декабрь | Х.Турахужаев Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти |
| 4.3 | “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш. | Июль декабрь | И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти |
| 4.4 | “Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш. | Июль декабрь | Б.Исаков Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти |

**Алоҳида режалар тасдиқланиб, Ташкилий-назорат бошқармасига 2022 йилнинг 20 июль кунига қадар топширилиши лозим.*

Изоҳ: зарурат бўлганда иш режасига қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин.